Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил
**29 июнь**
ШАНБА
**№ 49** (13206)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган


# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало сиз, азизларни касб байрамингиз – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларга ўзимнинг самимий ҳурматим, эзгу тилакларимни билдириб, машаққатли ва олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Барчамизга яхши аёнки, матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Барча соҳалар каби ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт янги-янги талаб ва вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, миллий медиа маконда турли мулк шакли ҳамда сиёсий-ижтимоий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони тобора кўпайиб, улар турли тилларда иш юритмоқда.

Янгича шароитда ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида собиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилганидан хабарингиз бор.

Ушбу агентлик томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий медиа компаниялар билан ҳамкорликни кучайтириш, чет эл веб-ресурслари ва сайтларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, бир сўз билан айтганда, ахборот майдонидаги фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда тобора тезкор ва кўп тармоқли соҳага айланиб бораётган оммавий ахборот воситалари учун глобал медиа маконда кескин рақобатга дош бера оладиган, фаол гражданлик позициясига эга замонавий кадрлар тайёрлаш олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети анъанавий билим ва кўникмалар билан бирга, инновацион тафаккур, соҳага оид технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш бўйича республикамиздаги етакчи олий таълим муассасасига айланади, деб ишонамиз.

Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлили, соғлом танқидий руҳ кучайиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки бундай тенденция ислоҳотларимиз самарасини оширишга, жамоатчилик назоратини, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, барча даражадаги раҳбар ва мутасаддиларни эл-юрт фикри билан, замон талаблари билан ҳисоблашган ҳолда ишлашга ўргатади.

Албатта, ўзининг билим ва салоҳиятига, ишчанлик фазилатларига ишонган раҳбар танқиддан қўрқмайди, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни халқ билан мулоқотнинг самарали воситаси, деб билади. Аслида ҳам бундай мулоқот тараққиётимизни таъминлайдиган энг асосий омиллардан биридир.

Айни вақтда барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур: ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига асосланиши, қонун ва одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий ғараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳаётга доимо сергак кўз билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган сиз, матбуот аҳли, ўйлайманки, бу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англайсиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман, ҳаётимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар, ислоҳотларимиз мантиғи барчамиздан янгича ишлашни, янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этмоқда.

Шу маънода, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий матбуотимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, Интернет журналистикасини ривожлантириш, ноширлик иши, китоб савдоси, обуна ва тарғибот масалаларида бутун дунёда ўзини оқлаган бозор механизмларини кенг жорий этиш, очиқлик ва соғлом рақобат шароитида ишлашга ўрганиш бўйича биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ўз навбатида, биз оммавий ахборот воситаларининг фаолият эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, жамиятда демократик принциплар, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимизни албатта изчил давом эттирамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп сонли барча мухлис ва муштарийларингизни бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда демократик тамойиллар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига холис ва ҳаққоний ахборот етказиш, жамият ва давлат идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, янгиланиш ва инновация жараёнларини кенг ёритиш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист"**

**Пардабаева Халида Эшанкуловна** – "Сирдарё ҳақиқати" газетаси маънавият бўлими мудири, Сирдарё вилояти

**Юнусов Темурмалик** – Бадиий сўз устаси

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими"**

**Отамуротов Икром Исломович** – "Шарқ юлдузи" журнали бўлим мудири

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Садинов Махмуд Халикулович** – "Маърифат" газетаси бўлим муҳаррири

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Атакулов Ходжимурад Инамович** – "Ориат телерадиокомпанияси" масъулияти чекланган жамияти бош муҳаррири, Тошкент шаҳри

Давоми 2-бетда

Байрам илҳоми

## ВАТАННИНГ ЖОНФИДО ЖУРНАЛИСТЛАРИ



*Бу дунё бир сўздан яралган асли,*
*Сўз билан ҳаётбахш одамзод насли,*
*Сизга дурдан аъло қаламнинг васли,*
*Эй, кўнгил тоғининг альпинистлари,*
*Миллатнинг жонфидо журналистлари.*

*Жони сиёҳдони, қалам қонидир,*
*Дунёда бор-йўғи сўз – имконидир,*
*Ўзи хокисору Ватан шонидир,*
*Кўнглига бўйлайди бўю бастлари,*
*Ватаннинг жонфидо журналистлари.*

*Эй сиз, уйқусини увоқлаб юрган,*
*Эй сиз, ўз қадрини сўроқлаб юрган,*
*Вале, миллатини чироқлаб юрган,*
*Изидан эргашар нурли ҳислари,*
*Халқимнинг жонфидо журналистлари.*

*Гоҳо дашномлардан кетса эзилиб,*
*Тарки касб истайди кўнгли бузилиб,*
*Барибир аҳдидан кетмас узилиб,*
*Чунки ёмонга ҳам йўқдир қасдлари,*
*Эй, она юртимнинг журналистлари.*

*Телеканаллар бу – кўзларга кўзгу,*
*Радио ҳам тилу сўзларга кўзгу,*
*Интернет, планшет, шиддатли туйғу,*
*Янги газетанинг бўёқ, ислари,*
*Гулдан муаттар дер, журналистлари.*

*Уйғоқсиз, хушёрсиз, жонсарак жонсиз,*
*Сиз янги тарихга, янги имконсиз,*
*Сиз сўздан яралган Ўзбекистонсиз,*
*Сизсиз ҳақиқатнинг содиқ дўстлари,*
*Эй, она юртимнинг журналистлари.*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

Ғамхўрлик

Давлатимиз раҳбари қайси соҳага доир қарор, фармон ёки фармойиш қабул қилмасин, бу ҳужжатларнинг таг замирида, моҳиятида, энг аввало, хотин-қизларнинг бахту саодати, бахтиёр оила ғояси туради. Жумладан, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббус ичида ҳам хотин-қизлар бандлигини таъминлаш алоҳида йўналиш сифатида белгиланган.



## ОЛМАЛИҚДА 137 НАФАР АЁЛГА ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР ТОПШИРИЛДИ



Олмалиқ шаҳри, Мустақилликнинг 27 йиллиги даҳасида жойлашган Ёшлар боғида ана шу ислоҳотларнинг яна бир меваси бўй кўрсатди. Куни кеча ҳududдаги 137 нафар аёлга вилоят ҳокимлиги томонидан янги уй-жойлар топширилди.

Ниҳоят, ўз уйига, мўъжаз Ватанига эга бўлган бахтиёр оилалар, гулгун чеҳраси шукроналикдан порлаган аёлларнинг қувончига барча олмалиқликлар шерик бўлишди.

**Ўз мухбиримиз**

*Шерзод ҚОБУЛОВ олган суратлар*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини қайта ташкил қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишнинг муаммоли масалаларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги ҳозирги ҳолат таҳлили медиа маконда юзага келаётган чақириқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтарилмаётганини кўрсатиб, мамлакатда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислоҳотлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича жамият эҳтиёжлари ахборот соҳасидаги ишларни сезиларли даражада оширишни, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Давоми 2-бетда

Туҳфа

**Бугунги ободлик ва бунёдкорликлар натижасида қишлоғу шаҳарларимиз янгича кўриниш касб этиб, кўрган кўзни қувонтирмоқда.**

## «НУРЛИ ЗАМИН»ДА НУРЛИ МАСКАН



Куни кеча Юқори Чирчиқ тумани, "Нурли замин" маҳалласи аҳлига бир олам қувонч, болажонларга шодлик бахш этган янги бир маскан очилди.

3

## ДУНЁНИ ЁШЛАР ЎЗГАРТИРАДИ



*Аввал хабар берганимиздек, юртимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган касаба уюшмалари ёшларининг "ТЕМП-2019" халқаро форуми бўлиб ўтмоқда. Юқори ишчанлик ва кўтаринки кайфиятда ўтаётган мазкур нуфузли анжуман ёшлик шавқию, куч-қудратини ўзида намоён этаётгани билан барчада чуқур таассурот уйғотмоқда. Форумда аҳоли, хусусан, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар ва эришилган ютуқларни дунё ҳамжамиятига янада кенгроқ етказиш ҳамда тарғиб қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда.*

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Есебаев Куатбай Матекович** – Қорақалпоғистон ахборот агентлиги бош муҳаррири

**Кудратходжаев Шерзодхон Таджитдинович** – "Халқаро пресс-клуб" нодавлат нотижорат ташкилоти раиси

**Саидов Зафар Хашимович** – "Менинг юртим" нодавлат телеканали бадиий кенгаши масъул котиби

**Халилов Абдужалил Вакилевич** – "Бухорономa" ва "Бухарский вестник" газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари, Бухоро вилояти

**"Дўстлик" ордени билан**

**Абдисаматов Шамиль Мирзаевич** – Томди тумани "Тамди шаруагери" газетаси муҳаррири, Навоий вилояти

**Атаджанов Азамат Юсупбаевич** – "Gazeta.uz" веб-сайти бош муҳаррири

**Ғойимов Уралбой Содиқович** – "Халқ сўзи" газетасининг тезкор ахборотларни мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари

**Магай Алла Владимировна** – "Корё Синмун" газетаси бош муҳарририниң ўринбосари, Тошкент шаҳри

Бошланиши 1-бетда

**Мисков Вячеслав Юрьевич** – "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этувчиси

**Ризаев Наврўз Ибодуллаевич** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали катта муҳаррири

**Саттаров Акрамжон Усманович** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилояти бўйича шарҳловчиси

**Ташпулатова Назира Курбановна** – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

**"Келажак бунёдкори" медали билан**

**Худайбердиев Хушнуд Ғайратович** – Ижтимоий тармоқлардаги "Xushnudbek.uz" саҳифалари администратори

**Юсупов Бекзод Дилшадович** – "UzNews.uz" веб-сайти бош муҳаррири

**"Шуҳрат" медали билан**

**Абдурахмонов Абдуғани Абдурасулович** – "Xabar.uz" веб-сайти бош муҳаррири

**Алибаев Сергей Назаралиевич** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали бош муҳаррири ўринбосари

**Ғафурова Рухсора Ўмирзақовна** – Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ахборот марказининг "Замон" ахборот-таҳлилий дастури муҳаррири

**Лапасов Абдушукур Хужахмадович** – "Жиззах ҳақиқати" газетаси бўлим муҳаррири, Жиззах вилояти

**Мамбетшерипова Назира Абдиганиевна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали бўлим мудири

**Нарматов Усманали Наркулович** – "Сурхон тонги" ва "Заря Сурхана" газеталари бирлашган таҳририяти масъул котиби, Сурхондарё вилояти

**Норқобилов Жамшид Буриевич** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё вилояти бўйича фотомухбири

**Тешабоев Ахмадали Тешабоевич** – "Фарғона ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

**Тошмуродов Тошпулат** – Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетаси бош муҳаррири, Самарқанд вилояти

**Туйчиева Гулноза Абдукаримовна** – "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчиси

**Умирзоқов Жамшиддин Абдуразоқович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тошкент" телеканали катта муҳаррири

**Хидиров Қобил Уролович** – Ижтимоий тармоқлардаги "Davletov.uz" саҳифалари администратори

**Шермухамедов Умид Хатамович** – "Kun.uz" веб-сайти бош муҳаррири

**Эгамов Эркинбой Собирович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Хоразм вилояти телерадиокомпанияси "Воҳа" тезкор ахборот гуруҳи муҳаррири

**Эралиева Зарифа Ашуровна** – Тошкент вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шаффофлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. 2019 йил 1 октябрдан эътиборан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ болалар адабиётлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган маҳсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётлар ноширлик фаолиятини амалга оширишга лицензия берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинади.

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари)нинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва аҳолини хабардор қилиш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз, деб топилсин.

3. Қуйидагилар давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича хизматлари (кейинги ўринларда – ахборот хизматлари)нинг **асосий вазифалари этиб белгилансин**:

**давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти ҳақида** оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан **аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш**;

давлат органлари ва ташкилотларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг **ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш**, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида **давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг чиқишларини** ташкил этиш;

**ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш**, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

Бошланиши 1-бетда

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбариятига ахборот бериб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини **ахборот материаллари** (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) **билан таъминлаш**;

давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ходимлари устувор равишда журналистика соҳасида олий маълумотга эга бўлган шахслар орасидан лавозимга тайинланади;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари:

бир вақтнинг ўзида давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг **матбуот котиби ҳисобланиб**, ахборот сиёсати масалалари бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилади;

**тегишлича Агентлик ёки унинг ҳудудий бўлинмалари хулосасини ҳисобга олган ҳолда** лавозимга тайинланади;

ҳар уч йилда Агентликда **аттестациядан ўтади**;

в) давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларида ахборот хизмати назарда тутилиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидаги ахборот хизматлари ходимларининг сони, қоида тариқасида, уларнинг штат бирликлари доирасида шакллантирилади ҳамда матбуот котиби билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар, веб-ресурслар ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш учун масъул ходимлардан иборат бўлади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратларидаги ахборот хизматлари ходимларининг сони тегишли идора фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда унинг раҳбари томонидан белгиланади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг идоравий ва ҳудудий бўлинмалари ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этиш тегишли идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин.

г) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Агентлик томонидан амалга оширилади.

д) **Қуйидагиларга йўл қўйилмайди:**

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматларига уларнинг хизмат мажбуриятига кирмайдиган қўшимча мажбуриятларни юклашга;

ахборот хизматларининг функциялари ва вазифаларини давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа бўлинмалари зиммасига юклашга;

е) давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари:

ахборот хизматларининг замонавий моддий-техника воситалари, шу жумладан, телевизор, фото- ва видео ёзиб олиш воситалари, юқори тезликдаги Интернетдан фойдаланиш имконияти, зарур дастурий маҳсулотлар билан таъминланганлиги, шунингдек, малакали мутахассисларни жалб қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

ахборот хизматлари ходимларига, бошқа тўловлардан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ойлик устама тўлашга ҳақлидир;

ж) ахборотлар давлат органлари ва ташкилотларининг веб-сайтларида, ижтимоий тармоқларда, мобиль мессенжерлардаги саҳифаларида кунига камида бир марта жойлаштирилиши ва янгиланиши лозим.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини мониторинг қилишнинг самарали тизимини жорий этиш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ишларини ташкил этишда уларга кўмаклашиш, шунингдек, ахборот хуружларига тезкорлик билан жавоб қайтариш мақсадида Агентликнинг **давлат органларининг ахборот хизматларини мувофиқлаштириш бўлими** Агентлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сонини тегишлича ошириб, 5 та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда **Ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси сифатида қайта ташкил этилсин**.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаларида 14 та штат бирликларини қўшимча ажратган ҳолда **ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш сектори ташкил этилсин**.

6. Давлат органлари ва ташкилотлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда матбуот котибларини алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси, шунингдек, кенг полосали интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминласин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари ходимларини тажриба орттириш ва хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш, шунингдек, уларни ахборот жиҳатдан таъминлаш учун сафар қилувчи делегациялар таркибига киритиш чораларини кўрсин.

7. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, мутахассислар ва экспертларни жалб этган ҳолда қабул қилиниши режалаштирилган ва қабул қилинган ижтимоий аҳамиятга молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларининг, шунингдек, долзарб масалалар бўйича кутилаётган ташкилий чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ва интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Агентлик:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро этилиши ҳақидаги жамоатчилик фикрини, шунингдек, уларнинг ижроси борасида оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғидаги веб-сайтларда давлат органлари ва ташкилотлари эълон қилган материалларни мониторинг йўли билан доимий равишда ўрганиб борсин ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот (кўрсатмалар) киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларидаги ахборот хизматлари ходимлари ва раҳбарларининг **малакасини ошириш курсларини ташкил этсин**;

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ахборот хизматлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг иш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йил 1 январга қадар манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарларини қонун ҳужжатларига мувофиқ аттестациядан ўтказсин;

давлат органлари ва ташкилотларига улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек, ахборот хизматларини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича доимий ёрдам кўрсатиб борсин;

оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи, жумладан, ижтимоий тармоқлар ва мобиль мессенжерларда эълон қилинаётган аҳолининг кенг қатламлари фикрига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг доимий мониторингини амалга оширсин ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари муносабат билдириши учун уларга юборсин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматларининг ходимларини, шу жумладан, давлат мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантириб бориш чораларини кўрсин;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари реестрини шакллантирсин ва уни доимий янгилаб борсин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини, уларнинг малакали кадрлар, моддий-техник воситалари билан таъминланганлиги ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижросини ўргансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини илгари суриш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида тарғибот қилиш ва жамоатчиликни кенг хабардор қилишга қаратилган ахборот кампанияларини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили 20 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари таъминоти ва моддий-техник жиҳозланиши учун маблағларни назарда тутсин.

12. Агентликка тадбирлар (анжуманлар, брифинглар, "давра суҳбатлари", тақдимотлар ва бошқалар)ни ташкил этиш билан боғлиқ юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлар (хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга истисно тариқасида рухсат берилсин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг Интернет тармоғидан фойдаланиши, техник хизмат кўрсатилиши ва уланиши ҳамда уларнинг серверлари TAS-IX тармоғига жойлаштирилиши билан боғлиқ харажатларни камайтириш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4151-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Агентлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламентлари лойиҳаларини киритсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маълумот тақдим этмаганлик ёки нотўғри маълумот тақдим этганлик, шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва журналистларга босим ўтказганлик учун жавобгарликни белгилаш тўғрисида таклифлар киритсин.

16. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 июнь

# «НУРЛИ ЗАМИН»ДА НУРЛИ МАСКАН

Тадбиркор Муродулла Саломов саъй-ҳаракати билан 300 ўринга мослаштирилган давлат хусусий шерикчилигидаги "Нурли болажон" мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади.

– Барчаси бизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган имкониятлар ортидан, – дейди тадбиркор М. Саломов. – Биз ҳам давлатдан олинган кредит эвазига қаровсиз қолган бинода болажонлар учун барча



қулайликлар муҳайё этилган тарбия масканини бунёд этдик. Замон талабларидан келиб чиқиб, хоналаримиз юқори сифатда жиҳозланди. Ёзги суҳбат айвончалари, ошхона, дам олиш хоналари ҳам бугунги даврга мос. Миллий ва замонавий дизайн уйғунлигини бирлаштиришга ҳаракат қилдик.

Бугунги кунда 4 минг 18 нафар аҳоли истиқомат қилаётган ушбу маҳалланинг кексаю ёши яхши ният ва мақсадлар учун туртки бўладиган бундай ташаббуслардан хурсанд. Айниқса, шу пайтгача болаларини узоқда жойлашган мактабгача таълим муассасаларига олиб боришга мажбур бўлаётган ота-оналар беҳад шод.

– Фақат шукроналар айтиш керак, – дейди маҳалланинг кайвони онахонларидан Абиба Раҳматуллаева. – Айниқса, қишлоқларимизнинг бирин-кетин шаҳардан қолишмайдиган даражада обод бўлиши, аҳоли учун барча шароитлар яратилаётгани қувонарли. Набираларим ушбу масканда таълим-тарбия олиб, юртига муносиб фарзандлар бўлса, дейман.

Дарҳақиқат, мақсадлар улкан, орзу-ниятлар бардавом. Обод маҳалла, обод қишлоқлар, келажаги нурафшон эртамиз эгалари учун бунёд этилаётган ана шундай масканлар кўпаяверсин.

**Ҳулкар ЎРАЛОВА**
*Абдуғани ЮСУПОВ олган суратлар*

Бошланиши 1-бетда

# БОҒЧА ҚАЙТА ОЧИЛДИ

*Оҳангарон шаҳридаги 14-сонли давлат мактабгача таълим муассасаси қисқа танаффусдан сўнг ўз фаолиятини қайта тиклади. Бу ҳақда Мактабгача таълим вазирлиги матбуот хизмати хабар қилди.*

## ❑ Дарвоқе

Ушбу мактабгача таълим муассасаси Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи доирасида инновацион технологиялар асосида қурилган биринчи шундай маскан сифатида тақдим қилинган эди.

Муассаса қурилишида қўлланилган бу усул нафақат вақт, балки маблағни тежаш имкониятини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси биринчи марта шу боғчада татбиқ этилиши ҳақида маълумот берилганди. Ушбу эксперимент натижалари кейинчалик барча боғчаларда қўллаила бошлайди. Президент ташрифи чоғида муассасада қурилиш ишлари якунлангани, аммо у расман фаолият бошламагани ҳақида айтилган.

160 ўринли мазкур муассаса унинг ёнида қурилган замонавий 7 қаватли турар-жой мажмуасига аҳолининг кўчиб келмагани сабабли тўлиқ шаклланмаган 2 та гуруҳ билан фаолиятини бошлаган эди. Аммо, муассасанинг канализация тизими марказий тармоққа уланмагани боис уни созлаш, шунингдек, гуруҳларни тўлиқ шакллантириш мақсадида боғча фаолияти бир муддат тўхтатилган эди.

Айни кунда муассасада таъмирлаш ишлари якунланди ва 4 та гуруҳ тўлиқ шакллантирилиб, боғча ўз фаолиятини қайта бошлади.

# ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ҳар кимга ҳар доим кафолатланган

> Сўнгги йилларда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди.

Аслида бутун жаҳон ҳамжамиятида одамларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқи алоҳида ҳимоя остига олинган. Жумладан, бир қанча инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ва қулай меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Айни пайтда амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 8-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилувчи ва меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади. Шу сабабли, ўзининг дам олиш ҳуқуқи иш берувчи томонидан бузилган, деб ҳисобловчи ходим бевосита судга мурожаат этишга ҳамда бузилган ҳуқуқлари тикланишини талаб қилишга, бундан ташқари, иш берувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари унга зарар, шу жумладан, маънавий зарар етказган ҳолларда унинг ўрни қопланишини талаб этишга ҳақлидир.

Мансабдор шахслар томонидан ходимларнинг дам олишга бўлган ҳуқуқларининг бузилиши меҳнатга оид қонунчиликнинг бузилиши ҳисобланади ва белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат кодексининг 149-моддасига мувофиқ қуйидаги ижтимоий таътиллар турлари назарда тутилган: ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари; болаларни парваришлаш таътиллари; ўқиш билан боғлиқ таътиллар; ижодий таътиллар.

Меҳнат шартномаси асосида иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларга киришган ҳар бир ходим муддати қонун ҳужжатларида белгиланган йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқига эга.

Йиллик меҳнат таътили олиш ҳуқуқидан ўриндошлик асосида ишлаётганлар ҳам асосий, ҳам ўриндошлик иши бўйича, касаначилик билан шуғулланаётганлар, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар, маҳаллий меҳнат органлари томонидан корхоналарга жамоат ишларини бажариш учун белгилаб қўйилган минимал иш жойлари миқдори ҳисобидан юборилган ходимлар ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган бошқа шахслар, шунингдек, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар умумий асосларда фойдаланадилар.

Хулоса қилиб айтганда, ходимга ҳар қандай ҳолда ҳам иш берувчи ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилини бериши шарт, бундай таътилнинг энг кам муддати у ёки бу тоифадаги ходимлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ва кафолатлангандир.

Биринчи меҳнат таътили олиш ҳуқуқи ишга кирган кундан эътиборан юзага келади. Қонун ҳужжатлари ходимга меҳнат таътили ҳар йили берилиши кафолатланганлиги сабабли иккинчи, учинчи ва ундан кейинги йиллар учун таътил олиш ҳуқуқи тегишли иш йили бошланиши билан юзага келади. Таътиллар календарь йил учун эмас, балки меҳнат шартномаси бўйича иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланадиган иш йили учун берилади.

Таътилга бўлган ҳуқуқ таътилдан фойдаланиш ҳуқуқидан фарқланади. Жумладан, биринчи иш йили учун таътилдан фойдаланиш ҳуқуқи, умумий қоидага кўра, ишга кирилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан сўнг юзага келади. Ана шунча муддат ишламаган ходим, агар қонун ҳужжатларида ёки корхонанинг бошқа локал норматив ҳужжатларида ўзгача қоида назарда тутилган бўлмаса, таътил олиш ҳуқуқи бўлганлигига қарамай, ўзига таътил берилишини талаб қила олмайди. Шу сабабли, меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда бундай ходимга фойдаланилмаган таътил учун ишлаган вақтига мутаносиб равишда компенсация тўланиши керак.

Иккинчи, учинчи ва ундан кейинги йиллар учун ходимда, агар у меҳнат таътилини ёзги ёки ўзи учун қулай бўлган бошқа вақтда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган тоифадаги шахслар гуруҳига кирмаса, меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳар бир иш йилида таътиллар жадвали билан белгиланадиган муддатда юзага келади.

Корхоналарда, заруратга қараб ва маблағ етарли бўлса, қонун ҳужжатларида кафолатланган минимал муддатдан ортиқроқ муддатли меҳнат таътиллари (узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар) берилиши мумкин. Бундан ташқари, таътилларнинг аниқ муддатини белгилашда амалдаги қонун ҳужжатлари ҳеч қандай чеклашларни назарда тутмайди.

**Сардор ОБИДОВ,**
**Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси масъул ходими**

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – МУҲИМ МАСАЛА

*Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасида "Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат" мавзуида семинар ташкил этилди.*

## ❑ Касаба уюшмаларида

"Меҳнатни муҳофаза қилиш ойлиги" муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда Чирчиқ шаҳри ва Қибрай туманида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар корхона ва муассасаларда ишчи ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, хусусан, белгиланган меҳнат ҳақи, қисқартирилган иш вақти, қўшимча меҳнат таътили, жабрланган ишчи-ходимлар учун товон пуллари, бепул даволаш-профилактика, иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, шунингдек, уларни махсус кийимлар, озиқ-овқат ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилинаётган ва бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Семинарда "Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш", "Меҳнатда жабрланган ходимларга ногиронликни белгилаш тартиби" ва "Ходимларнинг ҳаётини суғурта қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда жабрланган ходимлар учун суғурта тўловларини ундириш тартиби" мавзуидаги маърузалар тингланди.

Шунингдек, меҳнат жараёнида ходимларнинг хавфсизлиги ва иш қобилиятини сақлаш мақсадида ҳар бир касб учун меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш, ходимларни дастур асосида дастлабки ва даврий ўқитиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Бундай ўқув-семинарларни йил давомида барча туман ва шаҳарларда ўтказиш режалаштирилган.

**Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,**
**вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг етакчи мутахассиси**




*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат*

## ❑ Агар огоҳ сен...

*Бугунги кунда ОИВ (орттирилган иммунитет вируси) инфекцияси бутун жаҳонда миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётгани, кўплаб оилаларни пароканда қилаётгани, шунингдек, давлатлар иқтисодига катта зарар етказаётгани барчага маълум.*

# ҲАЁТ АЗИЗ, УМР БЕБАҲО





Статистик маълумотларга кўра, дунёда мазкур касаллик билан яшаётган одамлар 37 миллиондан ортиқни ташкил этади. Касаллик 20-49 ёшлилар ўртасида кўплаб қайд этилаётгани, айниқса, ташвишланарлидир.

Пискент туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Биз ОИВ инфекциясига қаршимиз!" шиори остида ўтказилган фестиваль ҳам шу мавзуга бағишланди. Ўнда вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази, соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари, қатор ҳамкор ташкилотлар ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда ОИВ инфекциясини юқтирмаслик аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлигига боғлиқлиги, бу хавфли касалликдан огоҳ бўлиш, унга чалинмаслик учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш кераклиги, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини ошириб бориш долзарб вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Шу куни мутахассислар томонидан аҳоли учун бепул тиббий текширувлар ўтказилди, масъул ходимлар инфекциянинг тарқалиш турлари, уларга қарши курашиш чоралари мавзуларида маъруза қилишди. Бундан ташқари, ҳаваскор рассомлар томонидан мавзуга доир расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олишди.

**Зуҳриддин ҚАМБАРОВ**
*Шерзод ҚОБУЛОВ олган суратлар*

# МАРДИКОР... ҚАЧОНГАЧА ХОР?

**Бундан анча йиллар аввал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш Марказларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди. Қарорда ишсизликнинг сабабларини ўрганиш ва уни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли органларнинг иши қониқарли деб ҳисобланмаган.**

## ❑ Нуқтаи назар

Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш маҳаллий органлари томонидан ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари зарур самара бермаётгани, уларда вақтинчалик, бир марталик ишларни изловчи шахслар, шунингдек, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар фаол қатнашмаётганлиги қайд этилган.

Иш билан банд бўлмаган аҳоли билан ишлаш, фуқароларни ишга жойлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан ички ишлар, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги суст ташкил этилгани таъкидланган.

Шунингдек, ақтинчалик бир марталик ишларни бажарувчи фуқароларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш, улар учун зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш ва уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юқорида баён этилган салбий ҳолатларни келтириб чиқарган сабаблар, шунингдек, фуқароларни вақтинчалик бир марталик ишлар билан таъминлаш бозорини ташкил этишдаги жиддий камчиликларни бартараф этиш масъулияти юкланган.

Аммо, кузатув ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат қилишнинг бундай турига амалда ҳамон эътибор йўқ, қабул қилинган қарор ижросиз қолмоқда. Талабгорлар ҳали ҳам мардикор сифатида норасмий меҳнат бозорини пайдо қилиб, у ер, бу ерда тўпланиб, дуч келган ишларни бажаришмоқда.

Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларининг пойтахт билан туташ жойларида норасмий меҳнат бозорлари анчадан бери бор. Бу ерга барча вилоятлардан фуқаролар иш излаб келадилар. Улар орасида турли соҳа кишиларини (ишчи, хизматчи, деҳқон, қурувчи, талабалар ва ҳатто, хотин-қизларни ҳам) учратиш мумкин. Уларни кўпчилиги ҳеч қаерда ишламайди.

Мардикорларни одамлар уйида, томорқасида, деҳқончилик ишларида қурилиш ва бошқа жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишлар учун ёллаб ишлатадилар. Бандлик ва меҳнат муносабатлари бюролари бу талабни қондира олмайди.

Мардикорлар ва уларни ёлловчиларнинг муносабатларида ечимини кутаётган қийинчилик ва муаммолар тўпланиб қолганига эътиборни қаратиб, уни "замонавий" тартибда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, вилоят ҳокимлигида (барча туман ва шаҳарларда) фуқароларнинг ёлланиб ишлаш (мардикорлик) масаласини ўрганиб чиқувчи ва жойларда қарор ижросини жорий қилувчи комиссия тузилиб, унинг таркибига меҳнат ва аҳоли бандлиги бошқармаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари, касаба уюшмалари, жамоатчилик вакиллари киритилиб, доимий иш олиб боришни, шаҳар ва туманларда норасмий пайдо



бўлган мардикорлик бозорларини тартибга солиш бўйича махсус ишчи гуруҳлари тузиб, уларнинг вазифасини аниқлаштириш ва ижросини таъминлашни назоратга олиш керак.

Келгусида уларни фақат буюртмага кўра, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари орқали ишга ёллаш ҳолатига эришиш керак. Тўғри, бу бошида қийин кечиши мумкин, лекин ҳал қилса бўладиган муаммо.

Хориж тажрибасига мурожаат қилсак, бундай меҳнат тури – арбайт дейилиб, ишсиз қолган одам қулай иш билан таъминланишига айтилади. "Арбайтен" – немисчадан таржимада ишламоқ, меҳнат қилмоқни ифодалайди.

Жанубий Кореяда ишсиз қолганларни шу усулда ишлатиш яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун, фуқаро (ҳеч қандай малакаси бўлмаганлар ҳам бориши мумкин) арбайтга келади ва эрталабки 7 дан кеч соат 18.00 гача келишилган ишни бажаради. Хизмат ҳақи ҳар куни ишдан сўнг берилади. Иш жойига махсус транспортда олиб бориб, ишдан сўнг қайтариб олиб келиб қўйилади. Арбайтга аъзо бўлиб, ишлаган фуқароларнинг хавфсизлиги, муҳофазаси ташкилотчилар томонидан таъминланади.

Фикримизча, юқоридаги хориж тажрибасини бизда ҳам жорий этиб, давлат-хусусий ташкилотлари очиб, арбайтни қўллаш вақти келди. Ташкилотчиларнинг "ишонч телефон"лари эълон қилиниб, аҳолининг мурожаатлари асосида, ёлланма ишчиларга талаб ва таклиф бўйича маълумот бериб борилса, келгусида иш берувчилар уларни уйдан, алоқа воситалари орқали ишга таклиф этишлари мумкин.

Ана шунда мардикор иш излаб куни бўйи иссиқ-совуқда, кўчада сарсон бўлиб қийналиб юрмайди. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига мурожаат қилиб, хизмат кўрсатишнинг бундай ижтимоий инновацион туридан кенг фойдаланишга, хусусий инвестиция киритишга кенг имконият яратилади. Бундай ўзгаришларни амалга ошириш бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, норасмий меҳнатдан фойдаланишни тартибга солади.

**К. ШОДИМЕТОВ,**
**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, иқтисод фанлари номзоди**

## Об-ҳаво

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 29 июнь куни Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-24, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-19, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Хусусий эълон

И. Каримов номидаги ТДТУ академик лицейи томонидан 2019 йилда Бахтиёров Камрон Баҳром ўғли номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

# ДУНЁНИ ЁШЛАР ЎЗГАРТИРАДИ

Республикамизда илк бор ташкил этилган мазкур нуфузли форумда Халқаро меҳнат ташкилоти, Касаба уюшмалари умумконфедерацияси, 20 дан ортиқ давлатлардан келган 120 нафарга яқин ёшлар, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 150 нафар фаол ёшлари қатнашаяпти.

– Ўзбекистон билан бизни узоқ йиллик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради, – дейди Беларусь Республикасидан ташриф буюрган Артём Игнатенко. – Биз форумга энг катта гуруҳ билан келдик. Гуруҳимизда 30 дан зиёд касаба уюшмаларида ишловчи йигит-қизлар бор. Сўнгги йилларда юртингизда соҳа ривожи йўлида жуда катта ишлар қилиниб-ди. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра, жаҳон бўйича ёшлар ўртасидаги ишсизлик 13,1 фоизни ташкил этади. Бизда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бу кўрсаткич анча ижобий. Шу боис, ўзаро тажриба алмашиш айни муддао бўлди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш борасида юртингизда амалга оширилаётган ишлар бизга маъқул келди.

Форум иштирокчилари йирик корхоналар, уларда яратилган меҳнат шароитлари, касаба уюшмалари ҳамда иш берувчиларнинг ижтимоий шериклик муносабатлари ва бу борадаги ижобий натижалар билан яқиндан танишишди. Жамоа шартномалари асосида ёш ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар, миллий ҳунармандчилик намуналари ҳамда юртимизнинг тарихий



обидалари ва диққатга сазовор жойлари билан танишув, шунингдек, ёш спортчилар, жаҳон ва Олимпиада чемпионлари билан учрашувлар ҳамда турли спорт мусобақалари форум қатнашчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди.

– Юқори даражада ўтаётган форум биз учун чин маънода тажриба алмашиш мактаби вазифасини ўтамоқда, – дейди Россия делегацияси вакили Пётр Гневашев. – Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан ўрганадиган жиҳатлар кўп эканига гувоҳ бўлиб турибмиз. Келгусида хорижий ҳамкасбларимиз билан мулоқотларимизни замонавий коммуникация воситалари орқали онлайн тарзда ҳам давом эттириш ниятидамиз.

Тошкент халқаро форумининг Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтган очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев қатнашди. Форумда сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг бугунги кундаги ижобий натижаларига тўхталишди. Таъкидланганидек, форум дунё касаба уюшмалари ёшларининг ўзаро мулоқотини йўлга қўйиш, маърифий даражаси ҳамда билим кўникмаларини ошириш учун кенг ва самарали майдон вазифасини ўтайди. Айни чоғда мазкур форум ёшларда етакчилик салоҳиятини ривожлантириш, касб маҳоратини такомиллаштириш, долзарб масалаларда фикр юритиш ва уларга ечим топиш салоҳиятини оширишда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилади.

– "ТЕМП – 2019" анжумани дунё ёшларини бир манзилга жамлагани ва уларга бир-бирлари билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини бергани билан эътиборлидир, – дейди озарбайжонлик форум қатнашчиси Жайла Шамчиева. – Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман ва турли роликларда юртингиз гўзалликларини кўрганман. Бу заминга келгач, таассуротларим янада бойиди. Тошкент ва Самарқанд мисолида ниҳоятда гўзал масканларни ўз кўзим билан кўрдим. Энди ҳар йили оилам ва дўстларим билан Ўзбекистонга келишни, шу ерда дам олиб, халқингиз ҳақида янада кўпроқ билишни кўнглимга тугиб қўйдим. Биз учун шундай имкониятларни яратган форум ташкилотчиларидан миннатдормиз.

Куни кеча касаба уюшмалари ёшларининг "ТЕМП – 2019" Тошкент халқаро форуми иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросим катта концерт дастурига уланиб кетди.

**К. САЛОМОВА**

Бошланиши 1-бетда

❑ Ҳамкасбларимиз ҳаётидан

*1965 йил... Чиноз тумани, Яллама қишлоғидаги 3-мактабда бир гуруҳ таҳририят ходимлари ва таниқли журналистлар билан учрашув ташкил этилди. Уларнинг таҳририятдаги фаолият ҳамда газетада ишлашнинг масъулияти ҳақидаги фикрлари ёш Турсуналида мухбирликка иштиёқ уйғотди. У 10-синфда ўқиётган пайтида "Ният йўлида" деб номланган илк мақоласини "Янгийўл" (у пайтда Чиноз ва Янгийўл тумани қўшилган даврлар эди) газетасига жўнатди. Буни қаранг-ки, мақола чоп этилганини синфдошлардан эшитган Турсуналининг юраги қинидан чиққудек уриб кетди. Шу-шу "Барибир журналист бўламан", деган орзуда туриб олди.*

# ТУМАН ГАЗЕТАСИНИНГ «ПРОФЕССОР»И

1970 йили Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Миллий) журналистика факультетига ўқишга кириб, сиртқи бўлимни тугаллади.



Айрим инсонлар мақсадига эришмагунча асло тинчимайди. Турсунали ҳам шундайлар тоифасидан. Доимо одамлар орасида бўлиб, уларнинг ҳаёти, иш фаолияти билан яқиндан танишиб, турли мақола, лавҳа ва очерклар ёзиб, туман, вилоят, ҳатто, республика нашрларида қатнашиб юрди. Турсунали Сирдарё, Янгийўл, Сайхунобод, Чиноз туман ва шаҳар газеталарида мухбирлик қилди. Ишни оддий мусаҳҳиҳликдан бошлаб, мухбир, масъул котиб, адабий ходим ва қишлоқ хўжалиги бўлими мудири вазифаларида ишлади.

– "Янгийўл" газетасида кетма-кет мақолаларим чиқавергач, "Шу йигитда нимадир бор, келажакда яхши журналист бўлиши мумкин", дея ўша пайтда газетада адабий ходим бўлиб ишлаган Эсон ака Қосимовнинг тавсиялари билан мени шу таҳририятга мусаҳҳиҳ қилиб ишга олишди. Мен улардан бутун умр миннатдорман, – дея хотирлайди Турсунали ака.

Турсунали ака Тўқлибоев оилада ҳам бахтини топган инсон. Турмуш ўртоғи Хурсаной опа билан 46 йилдан бери бир-бирларини тушуниб, чиройли турмуш қуриб келишмоқда. Улар юртимиз корига ярайдиган тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Маҳаллада бу оилага ҳамманинг ҳаваси келади.

Турсунали ака нафақага чиққанларидан кейин ҳам севган касбларидан узилолмадилар. Баъзида: "Энди қўя қолай", деб дам олмоқчи бўлганларида таҳририятдагилар: "Ёшларга билмаганларини ўргатиб турасиз", деб чақириб олаверишади. Ўзлари ҳам ҳаётларини газетасиз тасаввур қила олмайдилар.

Тиниб-тинчимайдиган журналист Турсунали Тўқлибоевга сиҳат-саломатлик, серқирра ижод тилаймиз. Ҳеч қачон югуриб-елишдан чарчаманг, деб қоламиз.

**Ҳабибулла МУСУРМОНҚУЛОВ,**
*Чиноз тумани*

❑ Семинар

*Диний маърифат, дунёвий илм ўзлигимизни англашда йўлчи юлдуздир. Оилавий низолар, қўйди-чиқди, тўғри йўлдан адашаётганлар, кераксиз дабдабаларнинг урчиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг илдизини қаердан қидириш керак?*

# МАЪРИФИЙ ТАРБИЯДА ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

Бу каби саволларга вилоят Маҳаллалар кенгашида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, республика "Маънавият ва маърифат маркази" вилоят бўлими раҳбарлари, вилоят имом-хатиби иштирокида ўтказилган семинарда жавоб изланди.

Семинарда сўзга чиққанлар диний маърифат, қадриятларимизга асосланган маданият, ахлоқ-одоб тушунчаларини аҳоли, айниқса, ёшларимиз, онгига сингдиришда ҳамкорлик масалалари ҳақида тўхталдилар. Шунингдек, ёшларнинг илм-фан билан шуғулланишини рағбатлантириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тобора глобаллашиб бораётган дунёда "оммавий маданият"га кўр-кўрона эргашишнинг, манфаатларимизга ёт бўлган турли хил оқимлар таъсирига берилишнинг олдини олишда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш шиорини янада баландроқ кўтаришда ҳамкорликни йўлга қўйиш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир, дея таъкидлашди иштирокчилар.

**Ҳ. СУЛАЙМОНОВ,**
**вилоят Маҳаллалар кенгаши мутахассиси**

## 30 июнь – Ёшлар куни

# КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ



Чиноз тумани марказий ўйингоҳида туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, халқ таълими бўлими, Бандликка кўмаклашиш маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан "Ёшлар – келажак бунёдкори" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Тадбирга туман ёшларининг катта қисми қамраб олинди. Энг асосийси, тадбирда ёшлар ўзлари ҳам ташкилотчи, ҳам иштирокчи, ҳам томошабин сифатида фаоллик кўрсатишди.

Чирчиқ шаҳри йигит-қизлари ҳам Ёшлар кунини ўзгача кўтаринкилик, катта тадорик билан қаршилашмоқда.

Жумладан, 27-28 июнь кунлари ҳудуддаги истироҳат боғлари ёшлар билан гавжум бўлди. Бу ерда турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Жараёнга жами 7000 га яқин ёшлар қамраб олинди.



❑ Изҳор



# ИЛК ҚАДАМ

– Газетага илк мартда ахборот ёзганим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Илгари ахборот ёзишдан осони бўлмаса керак, деб ўйлар эканман. Аммо, тажрибаси йўқ, ёш ҳаваскор учун бирор тадбирни талаб даражасида ёзиш осон эмас. Мана шу ҳаётий ҳақиқатни "Тошкент ҳақиқати" таҳририятига илк келган кунимдаёқ англадим.

Соҳага бўлган меҳрим, қолаверса, шу табаррук даргоҳда ўрганганларим далдаси билан ҳужжатларимни Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига топширдим. "Тошкент ҳақиқати"да чоп этилган мақолаларимни ҳам илова қилдим.

Мени айнан шу таҳририятга етаклаган тақдиримдан миннатдорман. Сабаби, таҳририят ходимлари мисолида журналист айни дамда ҳаётимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини халқимизга етказиш, инсонларни янги марралар сари руҳлантиришда воситачи эканини тушундим. Шу билан биргаликда юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва жаҳон миқёсида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида журналистлар зиммасида улкан вазифалар турганини англадим.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами нишонланаётган шу кунларда хаёлимдан шундай фикрлар ўтар экан, тезроқ журналистлар сафига қўшилиш иштиёқи тинчлик бермаётгани рост.

**Нозимахон НУРМАТОВА**

## Байрам ҳажвияси

# «Матн»шунос

Ҳурматли редакция!

Бир бемаъни ҳазил туфайли бошимга тушган ташвишлар ҳақида сизга ёзмоқдаман. Ўтган ойнинг бошларида бир йигит мендан:

– Акахон, сиз Ғирвон қишлоғида яшаркансиз, "Ғирвон" сўзининг маъноси нима? – деб сўраб қолди.

Ке, шу йигитга битта ҳазил қилиб қўяй, дедим:

– "Ғирвон" "ғир" деган ўзбекча, "вон!" деган ўрисча сўзлардан таркиб топган бўлиб, "Бу қишлоқдан тўхтамай ғир этиб ўтиб кет, даф бўл!" дегани, – дедим.

Бу йигит мухбир экан, матбуотда чиқариб юборди. Мухбирлигини билганимда тўғрисини айтардим. "Ғирвон" – "ғарибон" атамасидан олинган, ғариб, мискин, камтар, самимий одамлар маъносини билдиради, дердим.

Ҳаммаси мухбирнинг хабаридан кейин бошланди. Орадан уч кун ўтмай уйимизга галстук таққан, папка кўтарган йигит кириб келиб: "Сиз матншунос экансиз, мен шу соҳа бўйича илмий иш олиб боряпман, аспирантман", – деди.

– Хўш, нима хизмат? – дедим.

– Шу кунларда мева-сабзавотлар номини тадқиқ қиляпман. Масалан, "олхўри", "олча", "олма" дегандек. Шуларнинг маъноси нимайкин?

Шумлигим қўзғаб, ке, шу доно аспирантга ҳам бир ҳазил қилиб қўяй дедим:

– "Олхўри" ўзбекча "ол" ва тожикча "хўри" яъни "егин" сўзларидан тузилган бўлиб, "ол, ейвер, текин", дегани. "Олма" эса, ўз номи билан – "олма, мен рухсат бермагунча ема!", дегани.

– Яхши, – деди аспирант шошиб қўлидаги дафтарчага ёзаркан. – Энди, мана, сабзавотлар, масалан "помидор"?..

– "Помидор" ўрисча "помни", ўзбекча "дори" сўзларидан олинган. "Ёдингда тут, бу – дори", маъносини билдиради.

– Раҳмат, домла, мен яна келаман.

Йигит чиқиб кетди. Орадан икки ҳафта ўтиб, тонг саҳарда, қўлида болишдек сумка кўтарган, чўққи соқол чол кириб келди. Салом-аликдан сўнг, пешонасини артиб, сўрининг четига гуп этиб чўкди:

– Итимологман, олимман, жой номларининг келиб чиқиш тарихи, атамаларнинг маъноси билан қизиқаман. Бир оғайним, "Ғирвонда зўр матншунос бор", деганди. Тажриба алмашиб, баъзи фаразларимни ўртоқлашай дегандим.

– Э-э, гап буёқда экан-да, – дедим бошимни чангаллаб. Кейин дарров дастурхон ёзиб, бечора нафасини ростлаб олсин деб чой қўйдим. – Сиззи нима қизиқтиради?

– Да-а, – деди олим кўзойнагини тақиб, сумкасидан қалам-дафтар оларкан. – Мана, масалан олайлик, Тошкан. Тош шаҳри дегани, бу ясна. Ўтмишда "Шош" деган.



Нега?

– Чунки одамлар қадимда шошиб юрган, ҳозир ҳам баъзилар шошиб юради. "Салом" дейди-да, хайр-маъзурни насия қилиб жўнаворади, – дедим.

– Да-а, – деди олим. – Тошкандан сал нарироқда "Дурман" деган мавзе бор. Шу жойнинг итимологияси, яъни маъносига чуқурроқ тушиб, таҳлил этишимиз лозим.

– Чуқурроқ тушиш шарт эмас, "Дурман" деманг. Аслида "Дўрмон" – дармон дейилган. Чунки бу ерлар қадимда қарағайзор, соя-салқин, дам оладиган жой бўлган. Дардиборлар дармон истаб, шу ерга келган. Ўтмишдаги уруғ-аймоқларнинг шевасида "Дармон" Дўрмон бўлиб кетган.

– Воҳ! – деди олим суюниб. – Сиз одамлар таърифлагандек, ҳақиқий илм соҳиби экансиз, коллега. Сиздан яна бир нарсани сўраб олишни лозим топдим. Мана бу ерга ёзиб қўйибман: "Қўшиқ" сўзи "Қўш ишқ", яъни, шоир ва бастакорнинг ишқи, ҳамкорлиги, деган маънони англатади. Хўш, "санъат" дегани нимаси? Сизнинг фикрингиз қандай?

– Бу ҳаммага маълум-ку, – дедим олимга ажаблангандек қараб. – "Санъат" "сан, айт" дегани. Ашулачилар доим "Ё сан айт, ё ман айтай" деб, бир-бири билан тортишади, баъзан ёқалашиб кетади.

Шу пайт, даҳлизда телевизор қўйиғлиқ эди, "Гол!" деган ҳайқириқ эшитилди. Афтидан болалар футбол кўришаётган шекилли.

– Дарвоқе, инглизлар тўпни "бол" дейди, "фут" эса – оёқ. "Футбол – оёқда тепиладиган тўп, дегани. Дарвозага "гол" киритилмайди, тўп киритилади. Нега "Гол!" деб бақиришади? – сўради олим, қош чимириб менга қараркан.

– Асли бу сўз ўзбекча "гўл" сўзидан олинган бўлиб, футболчи тўпни дарвоза ичига эмас, ёнига ёки тепасига қараб тепса, атрофдаги томошабинлар "Ҳой, гўл!" деб бақиришган. "Ура!" деган ҳайқириқ ҳам "Ур!" сўзидан олинган. Ота-боболаримиз жуда ақлли бўлишган. Ўз ҳис-ҳаяжонларини аниқ ифода этишган.

– Молодес, коллега! Мана, визитний карточкам, қўнғироқлашиб турайлик, берган тузингизга рози бўлинг. Бешўнта талабаларим бор, жўнатаман, ёрдам берарсиз, хайр.

Ҳурматли редакция! Мен бир неча йил аввал пединститутни битирган пилолог эдим. Ҳозир урологман. Йигитга қирқ ҳунар оз. Ахир мен, каппатта одамман, шунинг учун менга етмиш ҳунар оз. Шуларни ўйлаб, "УЗИ" аппарати сотиб олдим. Пешобдаги тошни аниқлаб бераяпман. Навбатда турганлар кўп. Нашрингиз орқали илтимос қиламан, олиму аспирантларга тушунтириб қўйсангиз: мен ҳозир пилолог эмас, урологман, илмий ишларга вақт йўқ – пасиентлар кўп.

**Абдуғани АБДУВАЛИЕВ**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Зуҳриддин РАҲМОНОВ

Буюртма V-3535. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 7 081 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.40.

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил
3 июль
ЧОРШАНБА
№ 50 (13207)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ❑ Шукуҳ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам Ёшлар куни катта кўтаринкилик билан нишонланди. Сана муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, концерт дастурлари ташкил этилиб, уларда ёшларнинг ўзлари бевосита иштирок этдилар. Асосий байрам тадбири вилоятнинг маъмурий маркази – Нурафшон шаҳрида ўтказилди.

> Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга маҳкам бел боғлаган эканмиз, бу улуғ ишни эртага эмас, бугун бошлашимиз, бунинг учун аввало навқирон ёшларимизга зарур шароитларни айнан бугун яратиб беришимиз керак.
>
> **Шавкат МИРЗИЁЕВ**

# Бугуннинг ёшлари: МАҚСАДЛАРИ ЁРҚИН, МАНЗИЛЛАРИ ОЙДИН





Байрам эрта тонгда марказий кўча бўйлаб 6 километр масофага югуриш марафони билан бошланди. Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва уларни оммавий спортга жалб қилиш мақсадида ўтказилган мусобақада 1 минг 500 нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Юқори тезлиги билан марра чизиғини биринчилардан бўлиб босиб ўтганлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишди.






Куннинг энг асосий тадбири – "Ёшлар маркази"нинг очилиши бўлди. Замонавий дизайн асосида қурилган мазкур иншоотга 22 миллиард сўм маблағ сарфланди. Муҳташам бинода ёшларнинг билим олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Хусусан, марказда инглиз, корейс тиллари, компьютер, бизнес саводхонлиги, психология, тасвирий ва амалий санъат, мусиқа, пазандачилик, тикувчилик, шахмат тўгараклари ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланган.

Марказ очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қ. Куронбоев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф. Маҳмудов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, ёзувчи-шоирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар ёшларни байрам билан муборакбод этиб, Юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли бугунги ёшлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, инновацион ташаббуслари, ғайрат-шижоати, эришаётган ютуқлари билан Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишаётганини алоҳида тилга олишди. Шунингдек, сана арафасида "Ёшлар маркази"нинг очилиши вилоят йигит-қизлари учун чинакам байрам туҳфаси бўлганини алоҳида таъкидлашди.

Давоми 2-бетда

*Шерзод ҚОБУЛОВ олган суратлар*

# АБИТУРИЕНТЛАРНИ ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТМОҚДА?

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутасаддилари 2019/2020 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул бўйича ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида журналистларга маълумот берди, дея хабар қилади ЎзА.**

## ❑ Жараён

Айтилишича, бу йилги тест топшириқларини шакллантириш учун умумтаълим фанлари бўйича 140 нафардан ортиқ экспертлар гуруҳи тузилган. Улар 180 мингдан ортиқ тест топшириқларини шакллантиради. Тест топшириқларининг ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги бир хиллиги таъминланади.

Жорий йилда намунавий тест топшириқлари 1500 дан ортиқ абитуриент иштирокида апробациядан ўтказилди, ишончлилиги, мураккаблик даражасининг тўғри танланганлиги ўрганилди, 74 мингдан ортиқ тест топшириғи статистик таҳлил қилинди. Хато-камчиликлар тузатилди, айримларига ўзгартиришлар киритилди.

ДТМ мутахассислари бу йилги тест топшириқлари базасини шакллантиришда Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония каби мамлакатлар тажрибалари ўрганилганини айтди. Янгилик сифатида тест топшириқларида график, ёзувсиз карта, расмлар қўлланилаётгани қайд этилди.

Таъкидланишича, фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб Давлат тест марказида мавжуд тест топшириқлари базасини жамоатчилик учун очиб қўйиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда тест синовларини ўтказиш учун мамлакат бўйича 69 бино танланган. Уларнинг энг каттаси 1710, энг кичиги 240 ўринлидир. Бу биноларда бир кунда 2 та сменада 1 минг 277 та гуруҳда жами 38 минг 310 абитуриент тест топшириши мўлжалланган. Тест синовларининг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида бир кунда 2 минг 554 нафар назоратчи жалб этилиши белгиланган.

– Бу йил абитуриентлардан олинган бармоқ изи орқали тест синовларига бошқаларнинг кириши каби қонунбузилишларга барҳам берилади. Натижада, ўз билимига ишониб имтиҳон топшираётган ёшларнинг имконияти янада кенгаяди, – деди Давлат тест маркази бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қаҳрамон Ҳақбердиев.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда бинолар учун 1 минг 155 тадан ортиқ видеокузатув камералари, 120 дона мобиль алоқаларини тўсувчи қурилма, бармоқ изи асосида таниш воситалари тайёрланмоқда.



## ❑ Эътибор

**Оҳангарон шаҳридаги "Мажнунтол" тўйхонасида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.**

# БУ ДУНЁ БИР СЎЗДАН ЯРАЛГАН АСЛИ

Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган маросимда мамлакатимиз ва вилоятимиз оммавий ахборот воситаларида ўз шарафли касбини ардоқлаб меҳнат қилаётган ижодкорлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойилари, соҳа фахрийлари ва блогерлар иштирок этишди.



Тантанали маросимни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоева кириш сўзи билан очиб, шарафли касб соҳибларини вилоят ҳокимлиги номидан байрам билан қизғин ва самимий муборакбод этди.

Таъкидланганидек, журналистнинг меҳнати жуда машаққатли. Бинобарин, муҳтарам Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган табригида шу жиҳат алоҳида қайд этилди. "...Матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

2

## ❑ Мактабгача таълим

# «ИЛК ҚАДАМ» ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

*Янгийўл шаҳридаги 12-давлат мактабгача таълим муассасаси жорий йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, болажонлар ихтиёрига берилди.*

Мазкур таълим масканида келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама соғлом, билимли ҳамда баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда бу ерда 10 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларга 300 нафардан ортиқ бола қамраб олинган. Кичкинтойларни спортга қизиқтириш, санъатга ихлосларини ошириш мақсадида шахмат-шашка ҳамда мусиқа ва рақс тўгаралари ташкил этилган. Боғчада 21 нафар педагог ва тарбиячилар кичкинтойларга "Илк қадам" дастури бўйича замонавий методларни уйғунлаштириб таълим-тарбия беришмоқда.



– Муассасамиз инновацион технологиялар асосида тўлиқ таъмирланди, – дейди услубчи Ҳилола Абдувоҳидова. – Хусусан, болалар учун ўйин майдончалари чиройли дизайнда жиҳозланди, шунингдек, ақлни чархловчи, турли ўйинчоқлар ҳамда кўргазмали қуроллар билан таъминланди.

Дарҳақиқат, боланикда олинган таълим-тарбия келажак учун муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. У қанчалик мустаҳкам қўйилса, боланинг камолоти ҳам шунча ишончли бўлади.

**Зуҳриддин ҚАМБАРОВ**

*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат*

# БОШОҚНИНГ КЎРКИ – БЎЛИҚЛИГИДАН, БАРАКАСИ ЭСА УРУҒЛИГИДАН

***Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, вилоят Агросаноат инспекцияси бошқармаси томонидан пахта уруғчилигини ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги "2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан назорат олиб борилмоқда.***



## ❑ Қарор ва ижро

Жорий йилда вилоятимизнинг 9 та пахтачилик туманидаги 295 та уруғлик етиштирувчи фермер хўжалигига тегишли 13 минг 543 гектар ерда уруғлик пахта парваришланмоқда. Инспекция ходимлари томонидан мазкур майдонларда культивация, ғўзани ягана қилиш, зараркунандаларга қарши ферамон тутқич ўрнатиш, экинлар тагини чуқур юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш каби агротехник тадбирларни амалга оширишда камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилаяпти.

Ғаллачилик йўналишида эса, вилоятда 2019 йил ҳосили учун жами 126 минг 980 гектарга, шундан 117 минг 300 гектар суғорили, 9 минг 680 гектар лалми майдонга бошоқли дон уруғлари экилган. 382 та уруғчилик хўжалиги танловдан ўтиб, 12 минг 22 гектарда уруғлик ғалла етиштирилди.

Шуни айтиш керакки, Инспекциянинг вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлар сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш устидан назорат ўрнатилди.

Жумладан, жойларда тузилган апробация комиссияси томонидан танловдан ўтган фермер хўжаликларининг уруғлик буғдой майдонларида апробация жараёнининг тўғри ўтказилиши ва дон корхоналари томонидан сифатли уруғлик дон қабул қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда апробация кўриги ўтказишдан олдин ушбу майдонга 2018 йилда экилган доннинг бирламчи келиб чиқиш ҳужжатлари (аттестат, мувофиқлик сертификати ёки таҳлил натижаси) мавжуд бўлмаган ва тўғри келмаган майдонлардан уруғлик олинмаган.

Жорий йилда уруғлик ғалланинг навдорлик кўрсаткичлари талаб даражасидан паст бўлган, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган, ажралиши қийин бўлган, маданий ва тақиқланган, заҳарли бегона ўсимликлардан тозаланмаган, Низом ва стандарт талабларига жавоб бермаган 23 та фермернинг 830 гектар уруғлик майдони яроқсиз деб топилиб, далолатномалар тузилган.

Ғалла ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, шунингдек, уруғлик майдонларини ўриш учун ҳамда ғалла навлари аралашиб кетишининг олдини олиш мақсадида уруғлик майдонларини ўриш отрядлари ташкил этиш ва отрядларга янги ҳамда техник ҳолати соз комбайнлар ҳамда ташиш транспортларини ажратиш назоратга олинди. Вилоят бўйича 479 гектар уруғлик буғдой майдонларини ўриб-янчиб олиш 38 та отрядга бириктирилган. Бунинг учун 38 та уруғлик комбайни ҳамда 114 та дон ташиш транспорти ажратилган.

Шунингдек, 2020 йил ҳосили учун уруғлик дон топширилиши ҳамда навли уруғлик донларни тегишли нав ҳужжатларисиз қабул қилиш ва жойлаштиришга йўл қўймаслик чоралари кўрилган бўлиб, ҳар бир шахобчага инспекция ходимлари бириктирилган.

**Ш. УСУБАЛИЕВ,**
**Инспекциянинг вилоят бошқармаси катта инспектори**

# ДУНЁНИ ЁШЛАР ЎЗГАРТИРАДИ

Республикамизда илк бор ташкил этилган мазкур нуфузли форумда Халқаро меҳнат ташкилоти, Касаба уюшмалари умумконфедерацияси, 20 дан ортиқ давлатлардан келган 120 нафарга яқин ёшлар, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 150 нафар фаол ёшлари қатнашаяпти.

– Ўзбекистон билан бизни узоқ йиллик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради, – дейди Беларусь Республикасидан ташриф буюрган Артём Игнатенко. – Биз форумга энг катта гуруҳ билан келдик. Гуруҳимизда 30 дан зиёд касаба уюшмаларида ишловчи йигит-қизлар бор. Сўнгги йилларда юртингизда соҳа ривожи йўлида жуда катта ишлар қилинибди. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра, жаҳон бўйича ёшлар ўртасидаги ишсизлик 13,1 фоизни ташкил этади. Бизда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бу кўрсаткич анча ижобий. Шу боис, ўзаро тажриба алмашиш айни муддао бўлди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш борасида юртингизда амалга оширилаётган ишлар бизга маъқул келди.



Форум иштирокчилари йирик корхоналар, уларда яратилган меҳнат шароитлари, касаба уюшмалари ҳамда иш берувчиларнинг ижтимоий шериклик муносабатлари ва бу борадаги ижобий натижалар билан яқиндан танишишди. Жамоа шартномалари асосида ёш ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар, миллий ҳунармандчилик намуналари ҳамда юртимизнинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойлари билан танишув, шунингдек, ёш спортчилар, жаҳон ва Олимпиада чемпионлари билан учрашувлар ҳамда турли спорт мусобақалари форум қатнашчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди.

– Юқори даражада ўтаётган форум биз учун чин маънода тажриба алмашиш мактаби вазифасини ўтамоқда, – дейди Россия делегацияси вакили Пётр Гневашев. – Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан ўрганадиган жиҳатлар кўп эканига гувоҳ бўлиб турибмиз. Келгусида хорижий ҳамкасбларимиз билан мулоқотларимизни замонавий коммуникация воситалари орқали онлайн тарзда ҳам давом эттириш ниятидамиз.

Тошкент халқаро форумининг Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтган очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев қатнашди. Форумда сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг бугунги кундаги ижобий натижаларига тўхталишди. Таъкидланганидек, форум дунё касаба уюшмалари ёшларининг ўзаро мулоқотини йўлга қўйиш, маърифий даражаси ҳамда билим кўникмаларини ошириш учун кенг ва самарали майдон вазифасини ўтайди. Айни чоғда мазкур форум ёшларда етакчилик салоҳиятини ривожлантириш, касб маҳоратини такомиллаштириш, долзарб масалаларда фикр юритиш ва уларга ечим топиш салоҳиятини оширишда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилади.

– "ТЕМП – 2019" анжумани дунё ёшларини бир манзилга жамлагани ва уларга бир-бирлари билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини бергани билан эътиборлидир, – дейди озарбайжонлик форум қатнашчиси Жайла Шамчиева. – Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман ва турли роликларда юртингиз гўзалликларини кўрганман. Бу заминга келгач, таассуротларим янада бойиди. Тошкент ва Самарқанд мисолида ниҳоятда гўзал масканларни ўз кўзим билан кўрдим. Энди ҳар йили оилам ва дўстларим билан Ўзбекистонга келишни, шу ерда дам олиб, халқингиз ҳақида янада кўпроқ билишни кўнглимга тугиб қўйдим. Биз учун шундай имкониятларни яратган форум ташкилотчиларидан миннатдормиз.

Куни кеча касаба уюшмалари ёшларининг "ТЕМП – 2019" Тошкент халқаро форуми иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросим катта концерт дастурига уланиб кетди.

**К. САЛОМОВА**

Бошланиши 1-бетда

Ҳамкасбларимиз ҳаётидан

*1965 йил... Чиноз тумани, Яллама қишлоғидаги 3-мактабда бир гуруҳ таҳририят ходимлари ва таниқли журналистлар билан учрашув ташкил этилди. Уларнинг таҳририятдаги фаолият ҳамда газетада ишлашнинг масъулияти ҳақидаги фикрлари ёш Турсуналида мухбирликка иштиёқ уйғотди. У 10-синфда ўқиётган пайтида "Ният йўлида" деб номланган илк мақоласини "Янгийўл" (у пайтда Чиноз ва Янгийўл тумани қўшилган даврлар эди) газетасига жўнатди. Буни қаранг-ки, мақола чоп этилганини синфдошлардан эшитган Турсуналининг юраги қинидан чиққудек уриб кетди. Шу-шу "Барибир журналист бўламан", деган орзуда туриб олди.*

# ТУМАН ГАЗЕТАСИНИНГ «ПРОФЕССОР»И



1970 йили Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Миллий) журналистика факультетига ўқишга кириб, сиртқи бўлимни тугаллади.

Айрим инсонлар мақсадига эришмагунча асло тинчимайди. Турсунали ҳам шундайлар тоифасидан. Доимо одамлар орасида бўлиб, уларнинг ҳаёти, иш фаолияти билан яқиндан танишиб, турли мақола, лавҳа ва очерклар ёзиб, туман, вилоят, ҳатто, республика нашрларида қатнашиб юрди. Турсунали Сирдарё, Янгийўл, Сайхунобод, Чиноз туман ва шаҳар газеталарида мухбирлик қилди. Ишни оддий мусаҳҳиҳликдан бошлаб, мухбир, масъул котиб, адабий ходим ва қишлоқ хўжалиги бўлими мудири вазифаларида ишлади.

– "Янгийўл" газетасида кетма-кет мақолаларим чиқавергач, "Шу йигитда нимадир бор, келажакда яхши журналист бўлиши мумкин", дея ўша пайтда газетада адабий ходим бўлиб ишлаган Эсон ака Қосимовнинг тавсиялари билан мени шу таҳририятга мусаҳҳиҳ қилиб ишга олишди. Мен улардан бутун умр миннатдорман, – дея хотирлайди Турсунали ака.

Турсунали ака Тўқлибоев оилада ҳам бахтини топган инсон. Турмуш ўртоғи Хурсаной опа билан 46 йилдан бери бир-бирларини тушуниб, чиройли турмуш қуриб келишмоқда. Улар юртимиз корига ярайдиган тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Маҳаллада бу оилага ҳамманинг ҳаваси келади.

Турсунали ака нафақага чиққанларидан кейин ҳам севган касбларидан узилолмадилар. Баъзида: "Энди қўя қолай", деб дам олмоқчи бўлганларида таҳририятдагилар: "Ёшларга билмаганларини ўргатиб турасиз", деб чақириб олаверишади. Ўзлари ҳам ҳаётларини газетасиз тасаввур қила олмайдилар.

Тиниб-тинчимайдиган журналист Турсунали Тўқлибоевга сиҳат-саломатлик, серқирра ижод тилаймиз. Ҳеч қачон югуриб-елишдан чарчаманг, деб қоламиз.

**Ҳабибулла МУСУРМОНҚУЛОВ,**
*Чиноз тумани*

Семинар

*Диний маърифат, дунёвий илм ўзлигимизни англашда йўлчи юлдуздир. Оилавий низолар, қуйди-чиқди, тўғри йўлдан адашаётганлар, кераксиз дабдабаларнинг урчиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг илдизини қаердан қидириш керак?*

# МАЪРИФИЙ ТАРБИЯДА ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

Бу каби саволларга вилоят Маҳаллалар кенгашида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, республика "Маънавият ва маърифат маркази" вилоят бўлими раҳбарлари, вилоят имом-хатиби иштирокида ўтказилган семинарда жавоб изланди.

Семинарда сўзга чиққанлар диний маърифат, қадриятларимизга асосланган маданият, ахлоқ-одоб тушунчаларини аҳоли, айниқса, ёшларимиз, онгига сингдиришда ҳамкорлик масалалари ҳақида тўхталдилар. Шунингдек, ёшларнинг илм-фан билан шуғулланишини рағбатлантириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тобора глобаллашиб бораётган дунёда "оммавий маданият"га кўр-кўрона эргашишнинг, манфаатларимизга ёт бўлган турли хил оқимлар таъсирига берилишнинг олдини олишда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш шиорини янада баландроқ кўтаришда ҳамкорликни йўлга қўйиш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир, дея таъкидлашди иштирокчилар.

**Ҳ. СУЛАЙМОНОВ,**
**вилоят Маҳаллалар кенгаши мутахассиси**

30 июнь – Ёшлар куни

# КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ



Чиноз тумани марказий ўйингоҳида туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, халқ таълими бўлими, Бандликка кўмаклашиш маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан "Ёшлар – келажак бунёдкори" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Тадбирга туман ёшларининг катта қисми қамраб олинди. Энг асосийси, тадбирда ёшлар ўзлари ҳам ташкилотчи, ҳам иштирокчи, ҳам томошабин сифатида фаоллик кўрсатишди.

Чирчиқ шаҳри йигит-қизлари ҳам Ёшлар кунини ўзгача кўтаринкилик, катта тадорик билан қаршилашмоқда.

Жумладан, 27-28 июнь кунлари ҳудуддаги истироҳат боғлари ёшлар билан гавжум бўлди. Бу ерда турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Жараёнга жами 7000 га яқин ёшлар қамраб олинди.



Изҳор

# ИЛК ҚАДАМ



– Газетага илк мартда ахборот ёзганим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Илгари ахборот ёзишдан осони бўлмаса керак, деб ўйлар эканман. Аммо, тажрибаси йўқ, ёш ҳаваскор учун бирор тадбирни талаб даражасида ёзиш осон эмас. Мана шу ҳаётий ҳақиқатни "Тошкент ҳақиқати" таҳририятига илк келган кунимдаёқ англадим.

Соҳага бўлган меҳрим, қолаверса, шу табаррук даргоҳда ўрганганларим далдаси билан ҳужжатларимни Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига топширдим. "Тошкент ҳақиқати"да чоп этилган мақолаларимни ҳам илова қилдим.

Мени айнан шу таҳририятга етаклаган тақдиримдан миннатдорман. Сабаби, таҳририят ходимлари мисолида журналист айни дамда ҳаётимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини халқимизга етказиш, инсонларни янги марралар сари руҳлантиришда воситачи эканини тушундим. Шу билан биргаликда юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва жаҳон миқёсида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида журналистлар зиммасида улкан вазифалар турганини англадим.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами нишонланаётган шу кунларда хаёлимдан шундай фикрлар ўтар экан, тезроқ журналистлар сафига қўшилиш иштиёқи тинчлик бермаётгани рост.

**Нозимахон НУРМАТОВА**

Байрам ҳажвияси

# «Матн»шунос

Ҳурматли редаксия!

Бир бемаъни ҳазил туфайли бошимга тушган ташвишлар ҳақида сизга ёзмоқдаман. Ўтган ойнинг бошларида бир йигит мендан:

– Акахон, сиз Ғирвон қишлоғида яшаркансиз, "Ғирвон" сўзининг маъноси нима? – деб сўраб қолди.

Ке, шу йигитга битта ҳазил қилиб қўяй, дедим:

– "Ғирвон" "ғир" деган ўзбекча, "вон!" деган ўрисча сўзлардан таркиб топган бўлиб, "Бу қишлоқдан тўхтамай ғир этиб ўтиб кет, даф бўл!" дегани, – дедим.

Бу йигит мухбир экан, матбуотда чиқариб юборди. Мухбирлигини билганимда тўғрисини айтардим. "Ғирвон" – "ғарибон" атамасидан олинган, ғариб, мискин, камтар, самимий одамлар маъносини билдиради, дердим.

Ҳаммаси мухбирнинг хабаридан кейин бошланди. Орадан уч кун ўтмай уйимизга галстук таққан, папка кўтарган йигит кириб келиб: "Сиз матншунос экансиз, мен шу соҳа бўйича илмий иш олиб боряпман, аспирантман", – деди.

– Хўш, нима хизмат? – дедим.

– Шу кунларда мева-сабзавотлар номини тадқиқ қиляпман. Масалан, "олхўри", "олча", "олма" дегандек. Уларнинг маъноси нимайкин?

Шумлигим қўзғаб, ке, шу доно аспирантга ҳам бир ҳазил қилиб қўяй дедим:

– "Олхўри" ўзбекча "ол" ва тожикча "хўри" яъни "егин" сўзларидан тузилган бўлиб, "ол, ейвер, текин", дегани. "Олма" эса, ўз номи билан – "олма, мен рухсат бермагунча ема!", дегани.

– Яхши, – деди аспирант шошиб қўлидаги дафтарчага ёзаркан. – Энди, мана, сабзавотлар, масалан "помидор"?..

– "Помидор" ўрисча "помни", ўзбекча "дори" сўзларидан олинган. "Ёдингда тут, бу – дори", маъносини билдиради.

– Раҳмат, домла, мен яна келаман.

Йигит чиқиб кетди. Орадан икки ҳафта ўтиб, тонг саҳарда, қўлида болишдек сумка кўтарган, чўққи соқол чол кириб келди. Салом-аликдан сўнг, пешонасини артиб, сўрининг четига гуп этиб чўкди:



– Итимологман, олимман, жой номларининг келиб чиқиш тарихи, атамаларнинг маъноси билан қизиқаман. Бир оғайним, "Ғирвонда зўр матншунос бор", деганди. Тажриба алмашиб, баъзи фаразларимни ўртоқлашай дегандим.

– Э-э, гап буёқда экан-да, – дедим бошимни чангаллаб. Кейин дарров дастурхон ёзиб, бечора нафасини ростлаб олсин деб чой қўйдим. – Сизни нима қизиқтиради?

– Да-а, – деди олим кўзойнагини тақиб, сумкасидан қалам-дафтар оларкан. – Мана, масалан олайлик, Тошкан. Тош шаҳри дегани, бу ясна. Ўтмишда "Шош" деган. Нега?

– Чунки одамлар қадимда шошиб юрган, ҳозир ҳам баъзилар шошиб юради. "Салом" дейди-да, хайр-маъзурни насия қилиб жўнаворади, – дедим.

– Да-а, – деди олим. – Тошкандан сал нарироқда "Дурман" деган мавзе бор. Шу жойнинг итимологияси, яъни маъносига чуқурроқ тушиб, таҳлил этишимиз лозим.

– Чуқурроқ тушиш шарт эмас, "Дурман" деманг. Аслида "Дўрмон" – дармон дейилган. Чунки бу ерлар қадимда қарағайзор, соя-салқин, дам оладиган жой бўлган. Дарди борлар дармон истаб, шу ерга келган. Ўтмишдаги уруғ-аймоқларнинг шевасида "Дармон" Дўрмон бўлиб кетган.

– Воҳ! – деди олим суюниб. – Сиз одамлар таърифлагандек, ҳақиқий илм соҳиби экансиз, коллега. Сиздан яна бир нарсани сўраб олишни лозим топдим. Мана бу ерга ёзиб қўйибман: "Қўшиқ" сўзи "Қўш ишқ", яъни, шоир ва бастакорнинг ишқи, ҳамкорлиги, деган маънони англатади. Хўш, "санъат" дегани нимаси? Сизнинг фикрингиз қандай?

– Бу ҳаммага маълум-ку, – дедим олимга ажаблангандек қараб. – "Санъат" "сан, айт" дегани. Ашулачилар доим "Ё сан айт, ё ман айтай" деб, бир-бири билан тортишади, баъзан ёқалашиб кетади.

Шу пайт, даҳлизда телевизор қўйиғлиқ эди, "Гол!" деган ҳайқириқ эшитилди. Афтидан болалар футбол кўришаётган шекилли.

– Дарвоқе, инглизлар тўпни "бол" дейди, "фут" эса – оёқ. "Футбол – оёқда тепиладиган тўп, дегани. Дарвозага "гол" киритилмайди, тўп киритилади. Нега "Гол!" деб бақиришади? – сўради олим, қош чимириб менга қараркан.

– Асли бу сўз ўзбекча "гўл" сўзидан олинган бўлиб, футболчи тўпни дарвоза ичига эмас, ёнига ёки тепасига қараб тепса, атрофдаги томошабинлар "Ҳой, гўл!" деб бақиришган. "Ура!" деган ҳайқириқ ҳам "Ур!" сўзидан олинган. Ота-боболаримиз жуда ақлли бўлишган. Ўз ҳис-ҳаяжонларини аниқ ифода этишган.

– Молодес, коллега! Мана, визитний карточкам, қўнғироқлашиб турайлик, берган тузингизга рози бўлинг. Бешўнта талабаларим бор, жўнатаман, ёрдам берарсиз, хайр.

Ҳурматли редаксия! Мен бир неча йил аввал techинститутни битирган пилолог эдим. Ҳозир урологман. Йигитга қирқ ҳунар оз. Ахир мен, каппатта одамман, шунинг учун менга етмиш ҳунар оз. Шуларни ўйлаб, "УЗИ" аппарати сотиб олдим. Пешобдаги тошни аниқлаб бераяпман. Навбатда турганлар кўп. Нашрингиз орқали илтимос қиламан, олиму аспирантларга тушунтириб қўйсангиз: мен ҳозир пилолог эмас, урологман, илмий ишларга вақт йўқ – пасиентлар кўп.

**Абдуғани АБДУВАЛИЕВ**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Зуҳриддин РАҲМОНОВ

Буюртма V-3535. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 7 081 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.40.